

“ШАРҲИ МУЛЛО” АСАРИДА АРАБ ТИЛИ СИНТАКСИС ҚОИДАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Жўраева Мадина Абдужалиловна

PhD, доцент в.б.,

Алфраганус университети, Фолология факультети,
Шарқ филологияси кафедраси араб тили ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи Мулло» асарида ёритилган араб тили синтаксисига оид масалалар илмий таҳлил қилинган. Асарда المرفوعات, المنصوبات, المجزورات мавзулари доирасида исмий ва феълий гаплар тузилиши, улардаги асосий бўлақлар — المبتدأ والخبر ҳамда الفاعل والفعل ўртасидаги синтактик муносабатлар атрофлича ўрганилган. Абдурахмон Жомийнинг фовил ҳақидаги тўрт ҳолатли таснифи, эга ва кесимга оид ўзига хос қарашлари, шунингдек «asmā' u-s-sitta» ҳақида илгари сурган илмий янгиликлари мақолада алоҳида ёритилган. Шу билан бирга, «الكلمة» ва «الكلام» тушунчаларининг этимологияси, «лафз» атамасининг моҳияти, ҳамда тўлиқ турланмайдиган исмларга оид қоидалар Жомийнинг илмий мероси мисолида таҳлил этилган. Мақолада муаллифнинг араб наҳвишунослиги тарихидаги ўрни ва унинг илмий янгиликлари очиб берилган.

Калит сўзлар: Абдурахмон Жомий, араб наҳви, синтаксис, фовил, исмий гап, феълий гап, лафз, калима, тўлиқ турланмайдиган исмлар.

Abstract. This article provides a scholarly analysis of syntactic issues discussed in 'Abd al-Raḥmān Jāmī's works Sharḥ al-Mullā and al-Fawā'id al-Diyā'iyya. The study examines the topics of al-marfu'āt, al-manṣūbāt, and al-majrūrāt, focusing on the structure of nominal and verbal sentences and the syntactic relationships between their main components, namely al-mubtada' wa al-ḵabar and al-fi'l wa al-fā'il. Special attention is paid to Jāmī's innovative fourfold classification of the subject (fā'il), his distinctive views on subject and predicate, and his expansion of the traditional concept of asmā' al-ḵamsa into asmā' al-sitta. In addition, the article analyzes Jāmī's explanations of the terms al-ḵalima and al-ḵalām, the concept of lafẓ, and issues related to indeclinable nouns. The study highlights Jāmī's significant contribution to Arabic grammatical thought and his unique methodological approach within the history of Arabic linguistics.

Keywords: Abd al-Raḥmān Jāmī, Arabic grammar, syntax, subject (fā'il), nominal sentence, verbal sentence, asmā' al-sitta, lafẓ, ḵalima, indeclinable nouns.

«Шарҳи Мулло» асарида синтаксис масаласи المرفوعات «Бош келишикдаги исмлар», المنصوبات «Тушум келишигидаги исмлар» шунингдек, المجزورات «Қаратқич келишигидаги исмлар» мавзуларида ёритиб ўтилган.

Асарда المرفوعات «Бош келишикдаги исмлар» фаслида синтаксис тушунчаси исмий ва феълий гап тарзида таҳлил этилган, ушбу гаплардаги бош бўлақлар, хусусан

исмий гапда المبتدأ و الخبر, феълий гапларда эса, الفاعل والفعل нинг синтактик муносабати илмий асосланиб, таҳлил этилган. Абдурахмон Жомийнинг асарда фоъилнинг гапдаги ўринлари, ўзига хос хусусияти ва вазифаларини тушунтиришда буткул янги илмий услубни қўллаган. Жумладан, бошқа нахвшунос олимлардан фарқли равишда, олим фоъилнинг гапда асосан тўрт хил ҳолатда келишини ва бу ҳолатнинг ҳар бири яна алоҳида вазифалар бажаришини илмий жиҳатдан асослаб берган. Масалан: (1-ҳолат) фоъилнинг (тўртта ўринда) жойидан ўзгартириш мумкин бўлмаган ҳолатини, шунингдек, (2-ҳолат) (фоъил) ўз ўрнидан (уч ўринда) ўзгариши (ёки мафъулдан сўнг келиши) шарт бўлган ёки жумлада (3-ҳолат) фоъилнинг феъли (икки хил ҳолатда) тушиб қолиши мумкинлиги ва яна (4-ҳолат) сўроқ гапларда фоъил ва феъл ҳам гапда бутунлай тушиб қолиш ўринларини алоҳида мисоллар ва Қуръондан оятлар келтириб илмий жиҳатдан ёритиб, аниқ ифодалаб берган.

Шунингдек, Жомийнинг эга ва кесим борасидаги илмий фикрлари бошқа олимлардан фарқли бўлиб, олим эга ва кесимни гапнинг тузилишидаги асосий ўринни эгаллаши билан бирга, улар гапда лафзий омиллардан (яъни аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлардан, аслий сифат, қиёсий ва орттирма даража сифатлардан) ҳоли тарзда келишини алоҳида таъкидлаб, илмий шарҳлаб ўтганидир.

Одатда араб тилшунослигида «asmā' u-l-ḥamsa» деб номланган бешта сўз (اب, اخ, اذ, او, او) бирлик сонда келиб, изофа (бирикмаси)нинг мудофи вазифасини бажарганда, унинг келишиги ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар ёрдамида шаклланади. Аммо Абдурахмон Жомий ўз шарҳида Ибн Ҳожибнинг мазкур исмларни яна биттага кўпайтириб «asmā' u-s-sitta» иборасини қўллаганини таъкидлаб, мазкур исмларнинг олтинчиси (فو) (оғиз) сўзидир. Шунингдек, Жомий (فو) сўзи аслида (فو) бўлиб, «о» ҳарфи ҳазф, яъни туширилиб қолдирилиб, (فو) шаклини олганлигини алоҳида қайд этган. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бошқа нахвга оид классик асарларда кўпинча (هن) сўзи «asmā' u-l-ḥamsa» таркибига киритилмайди. Одатда, бу сўз араб қабилаларида кўпинча салбий маънода ишлатилади, балки шу сабабли ҳам (هن) сўзи мазкур таркибга киритилмаган бўлиши ҳам мумкин. Иккинчи муҳим янгилик: Жомий келтирган «asmā' u-s-sitta» таркибидаги (فو) сўзи бўлиб, бу сўзнинг фақатгина (فو) (қайнотанг (мн)) шаклида ишлатилишидир (فو) (ҳамуки) сўзининг – «коф» ҳарфи kasra , яъни «i» билан ҳаракатланди, чунки, (فو) (қайнота) сўзи, аёл кишига эри томонидан яқин бўлган қариндоши маъносида ишлатилади).

Жомий асарда «الكلمة» ва «الكلام» тушунчаларини изоҳлар экан, бошқа нахвшунос олимлардан фарқли равишда мазкур сўзларнинг туб ҳосиласи ва асл маъноларини бир хил эканлигини далиллайди ва бу сўзларнинг этимологиясини балоғат ва фасоҳат услубида, гўзал бир шеърни келтириб шарҳлаб берган. Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, араб нахвшунослик тарихига назар ташласак, (فو) сўзининг бирлик ёки кўплик маъносида қўлланилиши нафақат классик нахвшунослар, балки ҳозирги кунга қадар араб тилшунослари ўртасида кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борадаги кўплаб арабшунос олимларнинг

фикрларини юқорида келтириб ўтдик. Аммо Жомий ҳазратлари ўз асарида бу масалага аниқ ечимни фактик далиллар асосида шарҳлаб беришга ҳаракат қилган. Шу жойда бизнинг диққатимизни қаратган яна бир муҳим жиҳат шу бўлдики, Абдурахмон Жомий бошқа наҳвшунос олимлар фикрига жуда катта ҳурмат билан муносабатда бўлган. Жумладан, Жомий юқорида оятдаги **السُّؤَالِ** сўзини шарҳлаб, бу борада бир неча уламолар жумладан Ар-Розийнинг фикрларини келтириб, уларнинг ўзига хос қарашларини ҳам билдириб ўтган.

Абдурахмон Жомий «الكلمة» сўзини изоҳлаб, ундаги **ال**- аниқлик артиклини барчага маълум бўлган ҳолати, яъни уни исмга қўшилиб келиши сабабини **العهد الخارجي** термини билан ифодалайди. Ҳозирда замонавий араб адабий тилига оид адабиётларда **ال** аниқлик артиклини бундай сўзлар олдида келишига нисбатан **العهد الخارجي** термини ишлатилишини учратмаймиз.

Шунингдек, Жомий асарда «لفظُ الكلمة» – «Сўз лафздир» жумласини шарҳлар экан, нима учун сўзни айнан «лафз» деб таъкидланишига алоҳида изоҳ берган ва бу сўзнинг этимологиясини фактик мисоллар асосида очиб берган. Олим «лафз»нинг луғавий маъноси «отмоқ», «ташлаб юбормоқ», эканлигини таъкидлаб, наҳвшунос олимлар одатига кўра аввалдан шу сўз қабул қилиниб, кейинчалик отилган (**المفوظ**) маъносида қўлланила бошлаганини таъкидлайди. Шунингдек, Абдурахмон Жомий «Кофия» асарида келган **لَفْظُ الْكَلِمَةِ** иборасидаги мослашув қоидасини жуда аниқ изоҳлаган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, аввалги наҳвшунос олимлар Жомий каби мазкур сўзларнинг мослашувига, аслиятига эътибор қаратишмаган.

Жомий **لفظ**(сўз)нинг турларини тавсифлаб, бошқа наҳвшунос олимлар асарида учрамайдиган қуйидаги муҳим маълумотларни келтирган: жумладан, ҳақиқий лафз (яъни сўз)га таъриф бериб, инсон ўз тили билан гапириб талаффуз этадиган сўзларга айтилишини таъкидлаш билан бирга, ҳақиқий лафз (яъни сўз)га Қуръони каримдаги Аллоҳ таолонинг ва фаришталар ва жинларнинг ҳам сўзларини киритади ва нима учун киритилишини ҳам илмий асослаб беради. Шунингдек, олим **لفظ** (сўз) ҳисобланмайдиган **الدَّوَالُ الاربع** яъни тўрт ҳолатга далолат қилувчи нарсаларни ҳам алоҳида шарҳлаб ўтган. Бундай мукамал маълумотлар бошқа классик наҳвга оид асарларда учрамайди.

Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида араб тилида тўлик турланмайдиган исмлар ҳақида батафсил фикр юритган. Мавзу тўлик изоҳланган. Ушбу мавзуда учрайдиган грамматик қоидаларни ёритишда Жомийнинг ўзига хос ёндашуви кузатилади. Жумладан, исмларнинг тўлик турланмаслиги масалалари ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган тамойил билан изоҳланганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, асарнинг бошқа манбаларда кузатилмайдиган ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, унда Жомий Замахшарийга эргашган ҳолда синтактик жараёнларнинг содир бўлиш сабабларини, аслиятини ва этимологиясини келтирган.

Жомий бу сабабларни алоҳида мавзу остида бирлаштириб, ҳар бир сабабни илмий асослаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмон Жомий. “Ал-Фавоиду-з-Зиёийа”. Исомуддин, Абдуғофур Лорий, Абдурахмон ва Исматулла ҳошияси билан. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар фонди. Қўлёзма 862.
2. Белова А. Г. Синтаксис письменных текстов арабского языка.-М.: Наука, 1985.
3. Гранде Б.М. «Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении» Москва. 1998.
4. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси.. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 1997. I жилд.
5. Носирова М. «Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи» . Т.: 2005.
6. Носиров О, Юсупов М. “Ан-На’им” арабча-ўзбекча луғат. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003.
7. الشيخ مصطفى غلاييني "جامع الدروس العربية" القاهرة. 2007 م.
8. عبد الله بهاء الدين بن عبد الله بن عبد الرحمان بن عبد الله بن عقيل. شرح ابن عقيل علي الفية ابن